



Савол:

Инсон кайси илмни аввал ўрганиши керак?

Жавоб:

Инсонни яратган ва тарбия қилган зот – Аллох таъолодир. Унинг қандай зот, Унга нисбатан одамлар ва бутун махлуқлар зиммасидаги масъулиятлар нима эканини ўрганиш инсонларнинг биринчи ва шарафли вазифасидир. Аллох таъолони таниш илми тавҳид илми деб аталади.

Тавҳид илми – Аллох таъолонинг зоти, исм ва сифатлари, рубубияти – гамхўрлиги ва улухияти- илохлигини бандаларга танитади. Бу илмни салаф солих уламолари «**ал-Фикхул-Ақбар**» ва «**Ақоид илми**» деб ҳам атаганлар.

Тавҳид илмининг асоси Аллох таъолонинг ваҳийсидир. Ваҳий эса Аллох таъолонинг Қуръон Қаримдаги оятлари ва Расулуллох саллаллоху алайҳи ва салламнинг ишончли ривоят силсиласи билан баён қилинган суннатларидир.

Тавҳид илмини ўрганиш барча мусулмон учун фарздир.

Пайгамбаримиз саллаллоху алайҳи ва саллам, саҳобалар (Аллох улардан рози бўлсин), тобиинлар ва уларнинг ўқувчилари – табиатобиинлар тавҳид илмини бошқалардан кўра яхшироқ билган ва тушунганлар. Тавҳид илми замонлар ва маконлар ўзгариши билан ўзгармайди. Шунинг учун ҳам тавҳид илмини имкони борича уларнинг тушунчалари билан тушунишга ҳаракат қилиш керак.



Ислом Нури

Инсон кайси илмни аввал ўрганиши керак? | 2

Валлоху аълам. 16/07/2001